



Дунё бўйлаб уюштирилаётган бундай сафарлар санъаткорларимизни ўз устларида тинимсиз ишлашга, ёш издошларимизни муносиб тарбиялашга ундамоқда. Чет эл матбуотида, интернет сайтларида ўзбек ва қорақалпоқ санъати, маданияти ҳақида кўплаб мақолалар, хабарларнинг чоп этилаётганлиги шундан далолат беради.



Хоразм кўшиқлари-ю, рақслари, мақому суворалари ҳар қандай даврда муклис томонидан илқ қарши олинади. Улар ҳар йили бир неча марта «Истиклол», «Туркистон» концерт саройларида яқсахон дастурлари ва гала концертлар билан иштирок этадилар. Буни кўриб, баъзи соддадил одамлар Хоразмда ҳар куни концерт дастурлари намойиш қилина керак, деб ўйлаши табиий.



Шундай найрангбоз, манфаатпараст нусхалар борки, уларнинг қилмишидан ҳатто шайтон ҳам ёқа ушлайди. Бўлмаса, жиянларга Турғунбой ака отадек азиз эмасмиди... У соддалик қилиб, маҳалла оқсоқоллари ёхуд рафिकासидан бемаслаҳат жиянларига уй-жойни ҳатлаб берди.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch



Инсоннинг инсонлиги шунчаки умр ўтказиши эмас, балки яшашидир. Ж.ЛОНДОН

2008-yil 16-dekabr, seshanba № 150 (2563)

Янгиликлар панорамаси

Шахрихон тумани марказида иш бошлаган «AND CHIN INVEST» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида эркалар, аёллар ва болалар учун енгил оёқ кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ойига 13,5 миллион сўмлик сифатли маҳсулотлар савдо пештахталаридан жой олмоқда.

Янги иш ўринлари

Қиш мавсуми бошланиши арафасида маҳсулот турини ўзгартириш бўйича Хитойнинг Урумчи шаҳридан янги технологиялар келтирилди. Натижада, иш жараёни янада кенгайтирildi. Хозирга қадар бу ерда 20 нафар киши иш билан таъминланган. Яқинда трикотаж цехининг ишга туширилиши туфайли яна қўшимча 10 та иш ўрни яратилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Қарши муҳандислик иқтисодийёти институти қошидаги 2-академик лицей ўқитувчиси Зилюла Жалилова Япониянинг «The Japan Foundation» жағғармаси томонидан ташкил этилган «Урта махсус касб-хунар таълими тизимида ўқитувчиларнинг таъриба алмашинуви дастури» танловида голиб чиқиби, кунчиқар мамлакатда бўлиб қайтди.

Кунчиқар мамлакатга ташриф

Дунёнинг 25 давлатидан борган 77 нафар ўқитувчи сафида Зилюла Жалилова чет тилларни пухта ўргангани ҳамда чукор иктидори билан ҳоржиликларни қўйил қолдирди. У мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги ибратли ишлар ҳақида ҳам-касбарига сўзлаб берди.

Изаат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик тизими муассасаларида меҳнат қилаётган ошпазларнинг навбатдаги республика кўрик-танлови Жиззаҳда бўлиб ўтди.

Энг яхши ижтимоий соҳа ошпази

Ҳафтуминга бир иштирокчи ўртасида «Галлаорол маржон суви» республика уруш ва меҳнат фахрийлари сийҳаттоҳи ошпази Матлуба Шомирзаева «Энг яхши ижтимоий соҳа ошпази» дея эътироф этилди.

Самарқандлик Дилфуза Аҳтамова иккинчи, тошкентлик Рустам Халилов ҳамда бухоролик Абдурахим Шеров учинчи ўринни қўлга киритишди. Ҳолиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Абдуанноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Самарқанд вилоятида жамоа шартномалари ва келишуларга мувофиқ 912 ташкилот томонидан 1771 та кам таъминланган ёш оилага моддий кўмак кўрсатилди. 388 та корхона эса 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбиялаётган 758 нафар онанинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаган.

Кўмак

— Меърий ҳужжатлар асосида ижтимоий муҳофаза янада кучайтириляпти, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси кенгаши бўлим бошлиғи Шоҳидир Тўқонов. — Вилоятдаги 203 та корхонада хизмат қилаётган 550 нафар аёлга турғуқ ва турғудан кейинги таътил кунлари узайтирилди. Шунингдек, 43 та ташкилот томонидан 126 нафар талабанинг шартнома пуллари тўлаб берилди.

Н. ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири


Марғилон шахрининг Бурҳониддин Марғиноний кўчасида «Уздунробита» компанияси уяли алоқа хизмати янги офисини очди.

Аҳолига қўлайлик

Унда мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатилиши учун барча шарт-шароит яратилган. 4 нафар оператор ва 2 нафар касса ходимининг қўли қўлга төғмайдди. Бу ерда тармоққа улаиши, алоқа хизмати учун ҳақ тўлаш, уяли алоқа телефонларини ва экспресс-тўлов картончаларини харид қилиш, қўшимча хизматларга боғланиш каби талай масалаларни ҳал этиш мумкин.

— Аҳолига янада кўпроқ қўлайлик яратиш мақсадида шахарнинг 8 та ҳудудида шохобчалар очдик, — дейди МТСнинг шахар дилерлик тармоғи раҳбари Нуриддин Эминов. — Хозирда мижозларимиз сони 8 мингдан ошди.

Муҳаммадjon МАХМУДОВ



Зомин манзаралари

Касаба уюшма тадбири

Касаба уюшмалари ҳаракатини ривожлантиришда бошланғич ташкилотларнинг роли беқийс. Негаки, уларнинг фаолияти жамоа шартномалари орқали ишчи-ҳодимларнинг ҳақ-хуқуқлари ҳамда иш жойида пайдо бўладиган муаммоларни музокара орқали ҳал этиш, касаба уюшма аъзоларининг кундалик ҳаётдаги манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу ётакчилардан омилкорлик ва жағвогарликни талаб қилади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг бешинчи пленуми ана шу муҳим масалага бағишланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кенгаши раислари ҳамда йирик тиббиёт муассасалари раис-барлари иштирок этишди. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси» ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг IV курултойлари қарорларининг бажарилишида бошланғич ташкилотлар ролини ошириш юзасидан касаба уюшма органлари олиб бораётган ишлар тўғрисида» Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Озода Мухитдинова маъруза қилди.

Бугунги кунда Марказий кенгаш 14 та

Кун тартибиди:

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши ва вакилликларини, 2154 та бошланғич ташкилоти ўз атрофида бирлаштирган. Уларда 709457 нафар аъзо ҳисобда туради.

Маълумки, соғлиқни сақлаш соҳасида хизмат қилаётган ходимларнинг 70 фоизга яқини аёллардир. Улар учун қонунчилида белгиланган ижтимоий-иқтисодий имтиёз

ва кафолатларнинг бажарилиши касаба уюшмаларининг доимий назоратида. Келишулар ва жамоа шартномалари орқали кўп болали (тўрт ва ундан ортик боласи бор) аёлларга ойлик маоши сақланган

ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилган. «Ёшлар йили» давлат дастурига асосан жорий йилнинг 11 ойи давомида 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бўлган 420 нафар онага 9 млн. 330 миң сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларида аёллар учун белгиланган имтиёз ва кафолатларнинг

тўлиқ бажарилишини таъминлашда бошланғич ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида қўланма тайёрланиб, тарқатилди.

Кун тартибидидаги масала бўйича сўзга чиққан Хоразм вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудури Г.Аминова, Бойсун туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси И.Умаров, Самарқанд давлат тиббиёт институти талабалар касаба уюшма кўмитаси раиси Ш.Юнусов ва бошқалар тиббиёт соҳасидаги ислохотларда тармоқ касаба уюшмаларининг иштироки, бу борадаги ютуқ ва камчиликларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, пленумда Кишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йилида тармоқ касаба уюшма фаоллари олдида турган вази-фалар белгилаб олинди.

Пленумда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров қатнашди.

Ўз мухбиримиз

Мусоҳаба



Тарбия кўрган одамдан ёмонлик чиқмайди

Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Малика Жалилова билан суҳбат

— Қадимий ва гўзал динимиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бошиқларидан бири эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб, бу ҳақда томон-томон билан чоп этилган, ҳужжатли филмлар яратилган. Энг муҳими, хайли бу иш ҳамон зўр иштиёқ билан давом эттирилиб, халқимизга тегишли бўлган қадимийлик мақоми янги-янги далиллар билан мустаҳкамланиб бормоқда. Ана шундай нуфузга мансублик, ўз-ўзидан тушунарлики, сиз ётакчилик қилаётган тармоқ касаба уюшмаси аъзоларига ҳам катта масъулият юклайди.

— Бизда авлоддан авлодга ўтиб келаётган одат бор. Яъни бирон-бир хонадоннинг эшигини таққиллаб, қизининг қўлини сўраб борган томон ҳам, қувв бўлимининг қим ва қандай одамлар фарзанди эканлигини

билмоқчи бўлган томон ҳам, авваламбор, уларнинг насл-насабини сўраб-суриштиради. Ана ундан кейингина қандай иш билан машғул, жамиятда тугган мавқеи, туриш-туруши билан қизиқади. Бу бежиз эмас. Чунки, қўш уясида кўрганни қилади, деганларидек шу қунгача буткул нотаъши деб эмас, қизим деб қабул қилаётган оилада уни-ўсган йилнинг ҳам биргалиқда қандай яшаб кетишлари улар олган тарбияга боғлиқ. Тарбия эса маданиятликнинг биринчи шартидир.

Галин узокдан бошлаганимга ҳайрон бўлманг. Ҳа, биз шунақа халқимиз. Дунё бойликлари, безағу хашамлари ҳар қанча кўзини қамаштирарли бўлмасин, баҳо бериш чоғи бошқа мезон тош босиб кетиши, анъана ва қадриятларга ўзгача меҳр билан боққишимизнинг боиси ҳам шундан.

Кани, ўзингиз айтинг-чи, хассос бастакор Юнус Ражабий томонидан тартиб берилган «Шошма-қом» каби мусикий дурдона асар яна қайси юртда бор. Бармоқ билан санарли улар.

Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳ-

рисаба... Уларнинг ҳар бири ўзича бир олам. Ва айни вақтда улар бизнинг оламимиз, бизнинг ўзлигимиз, бизнинг менлигимиз! Шундай юртда турлимоқ ва яшамок на-сиб этганлигидан фахрланмай бўладими, ахир?! Мухтасар қилиб айтилган юқоридида фикр-мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, бизнинг соҳа бағоят кенг қўламли ва ранг-барангдир. Буни бешта йирик ва-зирлик ва идоралар билан кели-шуларга ага эканлигимиз ҳам тасдиқлайди. Улар — Маданият ва спорт ишлари вазирилик, рес-публика Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон телера-диокомпанияси, «Ўзбектуризм» Давлат компанияси, «Ўзбекино» миллий кинокомпанияси.

Бизни қувонтирган жиҳат шун-

даки, ўтган йилга нисбатан бошланғич ташкилотлар сони 32 тага кўпайди. Сафимизга 4612 нафар аъзо қўшилди. Бу яна ҳам зўр бериб, астойдил, енг шимариб ишлаш керак, деганидир. Бу — ҳеч бир киши эътибордан четда қолмаслиги, касаба уюшмалари учун хос бўлган меҳр-муруват, саховат, йиқилганини турғазиб, қоқилганини суяш, бир сўз билан айтганда, одамийлик фазилатла-рини тўла намоён қилган ҳолда ҳормай-толмай ишлаш керак, де-ганидир.

Қайд этиб ўтилганидек, тар-моғимиз этганини тугатган асо-сан зинбилар бўлиб, эл-юрт маъ-навиятини бойитиш ва тараннум этишга бел боғлаган, агар таъ-бир жои бўлса, миллатнинг кўзгусига айланган кишилардир. Бинобарин, улар билан ишлаш жуда мароқли. Бу, айни вақтда ҳар бир масалага ўта масъулият билан ёндошишни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда)

Ислом КАРИМОВ:

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятга асосланган эркин демократик жамият қуриш...

Узлигини англаган халқнинг

□ Етакчи минбари

АЪЗОЛИК афзаллиги ниманда?

уни ҳамма тушуняптими?

Баъзида ишловчининг касоба уюшма ташкилотига аъзо бўлиш шартми, ахир бусиз ҳам маошини олапти...

Бугунги кунда вакилликми атрофига 87 та бошланғич ташкилот ва 3105 та аъзо уюшган бўлиб, улар турли масалалар бўйича муносабат қилиб турадилар...

Давр тақозоси билан тармоқ ташкилотларида ҳам мулкчилик шакли ўзгариб кетди. Бу ўз навбатида тизимдаги айрим бошланғич ташкилотларни бошқа соҳа касоба уюшма ихтиёрига ўтказилиши олиб келмоқда...

«Наманганкитобсавдо» акционерлик жамияти ходими Н.Нуритдиновнинг вакиликка ўз ишидан ноқонуний четлаштирилгани тўғрисидаги ёзма муножаати ҳам...

Х.ДАДАБОВЕВ, Марказий кенгашнинг Наманган вилояти бўйича вакили

Давр билан ҳамоҳанг

Модомки, асосий мақсадиниз юксак маънавиятга асосланган эркин демократик жамият қуриш экан, касоба уюшма ташкилотлари ҳар бир меҳнатқашг бarchа талабларга жавоб берадиган яшаш шароитини кафолатлашга ўз хиссасини қўшиб даркор. Утган йиллар давомида бarchа саъй-ҳаракатимиз ана шу эзгу мақсадга қаратилди. Давр касоба уюшмамиздан янги, самарали иш услубларини қўллашни тақозо этмоқда.

Иш услубини такомиллаштириш замон талаби

Бу эса кучли касоба уюшма ташкилотини юзага келтириш орқали амалга оширилади. «Термин оқшоми» газетаси, Сарюсий, Узун, Қумқўрган, Музаброт, Шўрчи туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари, археология музейи, ҳайвонот боғи касоба уюшма ташкилотлари етакчилари ўзларига юқлатилган юксак вазифани яхши тушунишди. Қолаверса, амалий фаолиятимиздан шу нарса маълумки, кучли касоба уюшмасига меҳнатқашлар манфаатларини тўлақонли ҳимоя эта олади. Улар билан иш берувчи шундагидек ҳисоблашади, ўзининг ижтимоий шериги деб тан олади.

Ёшларга зардўзлик, тикувчилик, тикши-бичиш сирлари ўргатишмоқда. Уларнинг компютерга бўлган қизиқишлари асосида курслар очилди. Бандихон туман маданият ва спорт ишлари бўлими касоба уюшма қўмитаси бетоб бўлиб қолган ва моддий ёрдамга муҳтож ходимларга қарийб 200 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатган бўлса, Музаброт туман маданият ва спорт ишлари бўлими касоба уюшма қўмитасининг «Давр», «Эркин», «Адо-эстрада гуруҳлари чегара постларида ўзларининг концерт дастурларини намойиш этди.

Бизнинг бундан кейинги фаолиятимиз касоба уюшма ташкилотларини тузиш, аъзолар сонини кўпайтириш билан чамбар-час болгидир. Келгусида уларнинг сонини ёшлар ҳисобига кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Ш.САЪДУЛЛАЕВ, Марказий кенгашнинг Сурхондарё вилояти бўйича вакили



Дунёга юз

Тутаётган санъат

Коракалпоқ халқи жуда бой маданий ўрнига эга. Савиций номидаги Нукус санъат музейида бўлган киши бунди дилдан қиз қилади. Бу масканда энг қадимий санъат дурдоналари намуналари жамланган.

Ўзбекистон ва Қоракалпоғистон халқ артисти, «Эл-юрт хурмати» ордени ишондориди, Давлат мукофоти совриндориди, Маданият ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгашнинг Қоракалпоғистон Республикасидаги вакили Байрам Матчинов билан сўбат асосида бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Айтиш жоизки, мустақиллик туфайли коракалпоқ санъати ўзининг иккинчи умрини бошлади. Санъатга эътиборнинг юксалиги республикамизда ижод билан шугулланаётган, ўзини истеъдод соҳиб деб билган бarchа соҳа ходимларини руҳлантириб, чексиз илҳом бахш этаётгани сир эмас. Кўплаб санъаткорларимиз меҳнати, ихтирдори давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, юксак унвонлар, мукофотлар билан тақдирланмоқда. Бу гап-хўрлик ўз навбатида зиммамизга катта масъулиятни оқлатиб, бетақдор санъатимизни янада юксалтириш, уни дунёга танитиш учун астойдил ишлашга даъват этмоқда.

Айни пайтда маданият ходимлари касоба уюшмаси Қоракалпоғистон Республикаси вакилиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, оммавий тадбирларнинг сифатини яхшилаш, миллий урф-одатлар, қадриятларимиз асосида халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг маъна-

виятини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Шу билан бирга маданий ходимларнинг халқаро майдонда ўз истеъодларини намойиш қилишлари имконият яратиб бериш борасида ҳам бирмунча ишлар қилинмоқда. Дунё ҳамжамияти томонидан санъаткорларимизнинг чиқишлари қизгин

Ўтган йили Қохирада ўтказилган экспериментал театрлар XIX халқаро фестивалига Қоракалпоқ давлат ёш томошабинлар театри таклиф этилиши ҳам ўзига хос эътироф белгисидир. Театр жамоаси ушбу фестивалда қоракал-

Шу йил август ойида Бердақ номидаги театр камер оркестри Ашхабод шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалда иштирок этди. Ўзбекистон халқ артисти Мирзагул Сапаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Роза Қутеёева, Элиза Айтнязова, Қоракалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Д.Хожабергеновнинг чиқишлари мухлислар томонидан гулдурас қарсақлар билан қарши олинди. Ашхабод шаҳрида ўтказилган яна бир халқаро фестивал «Олтин асрнинг олтин авлодлари» деб номланиб, унда Эсжон баҳши номидаги Нукус болалар санъат мактабининг «Аму гуллари» ансамбли муваффақиятли қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, қоракалпоқ санъатида Европада ҳам қизиқиш катта. Яқинда Франциянинг Ницца шаҳридаги Велякруз академиясида ўтказилган торли асбоблар бўйича конференцияга Қоракалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, жиrows Б.Есемуратов таклиф қилингани бунинг ёрқин исботидир. Конференция мастер классида ушбу жиrows билан бирга «Аму тўлкини» фольклор-этнографик ансамбли ҳам санъатимизни намойиш қилди.

Дунё бўйлаб уюштирилаётган бундай сафарлар санъаткорларимизни ўз устларида тинимсиз ишлашга, ёш издошларимизни муносиб тарбиялашга ундамоқда. Умид қиламизки, санъатимизга дунё ҳамжамиятининг қизиқиши бундан буюн ҳам ортиб бораверади. Чет эл матбуотида, интернет сайтларида ўзбек ва қоракалпоқ санъати, маданияти ҳақида кўплаб мақолалар, хабарларнинг чоп этилаётганлиги шундан далолат беради.

М.БОБОЕВА



қутиб олинаётганлиги, санъатимизга қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлиги бизни бу йўналишда янги изланишларга қорлаётир. Қоракалпоқ Давлат кўғорқоқ театри жамоаси Қозғистон Республикасининг Ақтов шаҳрида «Келин дўстлар, ўйнайлик» номли шоу дастури билан ижодий сафарда бўлиб қайтди. Республикаимиз театр вакиллари эса Алматы шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё республикалари I-театр фестивалида меҳмон сифатида иштирок этди.

Дарове, ансамбл жиrowsи Бакбергир Сиримбетов бу йил Астана шаҳрининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган туркий халқларнинг «Астана арқа» мусиқа фестивалида ўз истеъодини ва қоракалпоқ санъатини яна бир бор дунёга кўз-кўз қилди.

лқ халқ эртаги негизда драматург К.Раҳмонов томонидан ёзилган «Тўққиз тўнқилдоқ, бир чинқилдоқ» комедиясини намойиш қилди. Жаҳоннинг элиқдан ортиқ театри иштирок этган бу фестивалда миллий жамоамиз санъатига юксак баҳо берилди.

— Ушбу театр Ашхабодда ўтказилган «Миллий фольклор ва театр санъати» халқаро танловидан ҳам муваффақиятли иштирок этди. «Махаллес» миллий дуторчилик ансамблининг чиқишлари, айниқса, илқ қарши олинди.

(Боши1-бетда)

— Санъатга ошuftа дил соҳибидан ёмонлик қиймайди, дейишди. Ота-оналарнинг фарзандлари қўлидан тутиб маданият масканларига олиб бораётганини кўрганда, яна бир хонадонга нур кирадиган бўлди, деб қувонасан киши. Умуман, маданият ўқокларининг бугунги аҳолидан қониқиб ҳосил қилиш мумкинми?

— Ҳа, десам бирмунча ошириб юборган бўламан. Чунки қониқиб ҳосил қилиш кўп ҳолларда турунликнинг бошланиш нуқтаси сифатида талқин этилади. Йўқ, десам ҳам ҳолислик қилмаган бўламан. Ҳақиқат шундан иборатки, ҳеч ким кўл қовуштириб ўтиргани йўқ.

Бундан бундан кейин мижбс-да мунтазам равишда ўтказилаётган фестивал ва кўрик-танловлардан ҳам билса бўлади. Истеъодлар бамисоли буюқ, Чашма бугун бўлмаса, эртага тоғу тошни ёриб ўзига йўл очиб борганидек, у ёки бу соҳада қобилият эгаси бўлган йигит-қиз борки, албатта, эл назарига тушмай қолмайди. Бунинг учун кўлай шарт-шароит, меҳрибон устоз ва табиқийки, соҳир иктидор «сим-сим» эшигини очиб унинг имконият керак бўлади. Маданият гушалари ана шу вазифани бажаришда мўҳим бўғинлардан бири ҳисобланади. Яхши эсимда, Мустақиллик

эълон қилиниб, бarchа жабҳаларда кенг қўламада ислохотлар бошланган кезларда, мавжуд театрларни хусусийлаштириш керак, деган таклифлар ҳам ўртага ташланиб қолди. Нима бўпти, катта-катта корхоналар, фабрика ва заводлар фаолияти янги ўзанга солиб юборилаётган бир пайтда бошқача бўлиши мумкин эмас, деган фикр-мулоҳазалар ҳам айтилди. Лекин узокчи кўра билган жонқур инсонлар, шу жумладан, касоба уюшмалари бунга қаршиликни кўрсатди. Ва тўғри қилингани бугун кўз ўнгимизда намоеён бўлиб турибди.

Мен ҳозир бир гапни айтаман, хулосасини ўзингиз чиқаринг. Бобоқалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи Давлат академик Катта театрини билмайдиган киши йўқ. Ушбу санъат ва маданият қозғонасини мамлакатимиздан ташқарида ҳам ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади. Биласизми, нимага? Шунинг учунки, у каби маҳобатли театр МДХ давлатларида бор-йўғи учта. Бири Москвада, иккинчиси Киевда.

Мамлакатимизнинг бarchа ҳудудларида вилоят театрлари ишлаб турибди. Томошабинга мунтоз асарлар қаторида янги-янги спектакллар тақдим этилмоқда, кўплан-кўп концертлар уюштирилмоқда. Ушбу концертларда болакайларнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради, албатта! Бу халқимизнинг ўлмас даҳоси бардавом эканлигини

едга солиб, янги ва янада юксак доворлардан ошиб ўтишга илҳомлантиради.

— Компютер техникаси... интернет... веб-сайт... Ахборот ресурслари марказлари... Уларга ҳам кўниқиб қолдик. Лекин, барбери кутубхоналарнинг йўғриги бошқа. Кутубхоналар фаолиятини яхшилаш учун, сизнингча, нималарга эътибор қаратиш керак?

— Эътибор қаратишга лойиқ жихатлар жуда кўп. Энг биринчиси, бу муносабатдир. Кутубхоналарга одамлар бормай қўйди, шунинг учун уларнинг сони камайиб кетяпти, деган гап-сўзларни тез-тез эшитаман. Ҳа, бундан кўз юмиб бўлмайди. Менимча, ушбу муаммо ҳақида фикр юртданга, кутубхоналар сони камайиб кетаётганини эмас, биз бир умр эиб маскани деб ардоқлаб келган муқаддас гушга нега одамлар бормай қўйганини таҳлил этиш даркор.

Аваллабор, кутубхоналардаги мавжуд китобларнинг аксарияти давр талаб-

ларига жавоб берамай қўйди. Агар дангал айтадиган бўлсак, ўқилмай чанг босиб ётган асарлардаги воқеалар бугунги ёшлар учун тушунарли, демократик, ҳеч қандай қизиқиб йўғотмайди. Янгилари эса энди-энди яратилляпти. Бу, биринчиси. Яна бир мўҳим жихат борки, бу ота-оналарга кўпроқ тааллуқлидир. Баррака топсин, базилар фарзандларини гулддек қилиб

носибатда эканлиги билан ҳам ўлчанади, десам асло мунобаға эмас. Шундай экан, ушбу йўналиш бўйича йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш учун кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга тўғри келади. Бундан, албатта, касоба уюшмалари ташаббускор бўлишлари лозим.

— Хато — аёвсиз душман, кимнингдир кўнгли пиёласи дарз кетса, адолат истаб турли идоралар эшигини қоқишга мажбур бўлади. Малика Каримовна, тармоқ касоба уюшмаси аъзоларидан келаётган шикоятлар кўп эмасми ва улар қай таҳлит ўз ечимини толмоқда? — 300 та, 200 та, 100 та... Менга қолса, битта бўлган тақдирда ҳам кўп. Лекин, на-чора, бунди ҳаёт дейдилар. Ҳаётда эса ҳамма нарса бўлиши мумкин. Ҳатто адолатлиликлар ҳам. Афсуски, то хануз жойларда амалдаги меҳнат қонунла-

рига ҳилоф ҳолда у ёки бу касоба уюшма аъзосининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий химоясига бепиесдан муносабатда бўлиш учраб турибди. Масалан, Қўйраб туман марказий маданият уйи, Янгийўл шаҳар болалар мусиқа мактаби, Чирчиқ шаҳридаги ўлкашунослик музейи ва «Янгийўл полиграф-сервис» масъулияти чекланган жамиятида мавжуд меҳнат шартномаси ҳамда ички

меҳнат интизомии қоидаларида ходим томонидан ўз меҳнат мажбуриятларини бир мартаба бузгани учун меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати кўрсатилмаган ва бу билан Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-банди бузилишига йўл қўйилган. Бугина эмас. Соҳадаги аксарият корхона ва ташкилотларда ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда Меҳнат кодексининг 76-моддасига риоя қилинмайди. Мана бир мисол: қўйрабда нони тилга олиб ўтилган «Янгийўл полиграф-сервис» масъулияти чекланган жамиятида 174 нафар

Тарбия кўрган одамдан



